# Куч — адолатда

2013 йил
15 февраль,
жума
№ 7 (416)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.




## ХАЛҚИМИЗНИНГ ОБОД ВА ФАРОВОН ТУРМУШИ

### уни таъминлашда тиббиёт тизимидаги ислоҳотлар ҳам муҳим ўрин тутмоқда

**Истиқлол йилларида мамлакатимизда ижтимоий, иқтисодий, маданий, умуман олганда, барча соҳаларда кенг кўламли янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни изчиллик билан амалга ошириб келинаётгани, бунинг самараси ўлароқ иқтисодиётимиз барқарор суръатларда ривожланиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги тобора юксалиб бораётганига ҳар биримиз гувоҳмиз.**

**Айниқса, инсон ҳаёти, соғлиги, шаъни ва қадр-қимматини олий қадрият даражасида улуғлаш, унинг турмуш фаровонлигини юксалтириш борасидаги хайрли ва эзгу ишлар ютуқларимиз давомийлигини таъминламоқда.**

Қувонарлиси шундаки, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда юксак малакали тиббий хизмат кўрсатишга доир кенг қамровли чора-тадбирлар жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам алоҳида эътироф этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида келтирилган бир таъкид кўпчиликнинг эътиборини тортди. **"Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича ўзбек модели БМТ томонидан Шарқий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари учун энг яхши минтақавий дастур сифатида тавсия этилди",** дея таъкидлади Президентимиз.

Дарҳақиқат, жаҳондаги энг нуфузли халқаро ташкилотнинг бундай юксак эътирофи ўзини шу юртнинг фарзанди деб билган ҳар бир кишига алоҳида фахр-ифтихор бағишлайди.

Аслида бундай юксак натижаларга осонлик билан эришилгани йўқ. Бу инсон саломатлигини асраб-авайлаш йўлида олиб борилаётган оқилона сиёсат, бунёд этилаётган энг замонавий даволаш муассасалари ва уларнинг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланиши, бир сўз билан айтганда, халқимизга кўрсатилаётган юксак малакали тиббий хизматга берилган юксак баҳодир.

Инсон саломатлигини асраш хусусида сўз борар экан, 1996 йил 4 сентябрдаги "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги қонун, Президентимизнинг 2009 йил 21 майдаги "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 декабрдаги "Аҳолига шошилинч тиббий ёрдам хизматини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 1996 йил 22 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида тиббий-ижтимоий патронаж тизимини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

(Давоми иккинчи бетда)

*Yangi qonun mohiyati*

## Қонун ижодкорлиги жараёни

### бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

**Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби қонун ижодкорлиги соҳасида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, мамлакатимизда 2005 йилдан эътиборан икки палатали парламент фаолияти йўлга қўйилиши муҳим ютуқлардан бири бўлди. Икки палатали парламентни барпо этишдан кўзланган мақсадлардан бири, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал тарзда олиб боришини назарда тутган ҳолда парламентнинг қонун ижодкорлиги борасидаги ишининг сифатини кескин оширишдан иборатдир.**

Дарҳақиқат, қонун ижодкорлиги жараёнининг самарадорлигини ошириш мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда муҳим ўрин тутади.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда қонун ижодкорлигини ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, ҳозирда янада такомиллаштирилмоқда. Жумладан, 2000 йил 14 декабрдаги **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги қонун, 2006 йил 11 октябрдаги **"Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"**ги қонунлар шулар жумласидандир.

(Давоми учинчи бетда)

*Xabar*

## Суд орқали ҳимоялаш самарадорлигини ошириш йўлида

**Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва либераллаштириш борасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим йўналишларидан бири - суд ҳокимиятини изчил мустаҳкамлаш, унинг инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини ишончли ҳимоя қиладиган чинакам мустақил давлат институтига айлантиришдан иборатдир.**

Ўзбекистон Республикаси Олий судида "Жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини суд томонидан ҳимоя қилиш амалиёти ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари" мавзуида бўлиб ўтган давра суҳбатида шу ҳақда сўз юритилди. Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази билан биргаликда ташкил этилган мазкур тадбирда Сенат аъзолари ва Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар масъул ходимлари, адвокатлар, олимлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

(Давоми иккинчи бетда)



*E`tirof*

## Улуғ мутафаккирнинг барҳаёт мероси

**Ўзбек адабиёти тарихида ёрқин из қолдирган, миллатимиз маънавиятини юксалтиришга бемисл улуш қўшган кўплаб намояндалар етишиб чиққан. Асрлар ўтса ҳам улар қолдирган бой мерос инсониятнинг кўнгил мулкига айланиб, барҳаёт яшамоқда.**



Улуғ шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқимизнинг ана шундай буюк фарзанди, миллат фахри ва ғururидир. Ўзбек мумтоз адабиётининг нодир саҳифаларини ташкил этувчи Бобур ижоди ва шахсияти, мана, неча асрки, барҳаёт яшаб, теран маънолари билан ўзига ошуфта этиб келмоқда.

Бобур ғазаллари асосида яратилган қўшиқлар мусиқа санъатимиз хазинасига муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда ва маънавий тафаккуримизни бойитишга хизмат қилмоқда.

"Бобурнома" эса, ўз даврининг қомусий манзараларини саҳифаларида жо этган буюк бир ёзма манба сифатида умуминсоният маданияти хазинасидан шарафли ўрин эгаллади, адабиётимизнинг дунёга машҳур асарлари қаторидан ўрин олди.

(Давоми тўртинчи бетда)

*Mezon*

## Аждодлар мероси — муқаддас неъмат



**Мамлакатимизда маданият ва санъатни изчил равнақ топтириш, бой маънавий меросни асраб-авайлаш, ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб тарбиялашда улардан кенг фойдаланиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, бугунги глобаллашув даврида ёшлар маънавиятини юксалтиришда уларни бой тарихимизга ҳурмат руҳида тарбиялашнинг аҳамияти беқиёс.**

(Давоми учинчи бетда)

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётда муҳим ўрин тутиши билан бирга бозорнинг ўзгарувчан талабларига ҳам тез мослашади. Шу боис мамлакатимизда ушбу соҳа ривожи учун янада қулай шарт-шароитлар яратилиб, қўшимча имтиёзлар берилмоқда.**

*Qonun ko`magi*

## Қулай ишбилармонлик муҳити

### кичик бизнес ривожини таъминламоқда

Натижада ишбилармонлар сафи кун сайин кенгайиб бораётир. 2000 йил билан таққослаганда, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31 фоиздан 54 фоизгача кўпайганлиги, мазкур соҳада меҳнат билан банд бўлганлар сони шу давр ичида 2 баробардан ошганлигининг ўзи соҳадаги ислоҳотларнинг нечоғли самарадорлигини кўрсатади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур соҳани сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган **"Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони кичик бизнес ривожига янада кучли туртки берди. Мазкур Фармон халқаро экспертлар томонидан ҳам юксак баҳоланди.

(Давоми иккинчи бетда)



*Fuqarolik qonunchiligi*

## Иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили

**Иқтисодиётнинг муҳим таянчига айланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари манфаатларини муҳофазалаш давлат органларининг муҳим вазифаларидандир. Уларнинг ҳуқуқлари ҳимояси борасида суд тизимида ҳам изчил ишлар амалга оширилмоқда.**

(Давоми иккинчи бетда)

*Xabar*

# Суд орқали ҳимоялаш самарадорлигини ошириш йўлида

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёни фаол амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида жиноят процесси иштирокчилари ҳуқуқларининг суд томонидан ҳимоя қилинишини самарали таъминлаш, бу соҳадаги суд ишларини юритишни либераллаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар судга қадар иш юритиш босқичида процессуал мажбурлов чораларини, чунончи, шахсни лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш чораларини фақат судьянинг санкцияси билан қўллаш тартибини назарда тутади.

Ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши жиноят процесси иштирокчилари ҳуқуқларининг суд томонидан ҳимоя қилинишини таъминланишини кучайтиради, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини кенгайтиради, халқаро ҳуқуқнинг жиноий таъқиб вақтида фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги умумэътироф этилган принциплар ва нормалар қамоққа олиш масаласини ҳал қилиш босқичидаёқ амалга оширилишини таъминлайди.

Давра суҳбатида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини янада ошириш, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, жиноят процесси иштирокчилари ҳуқуқларининг суд томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш соҳасидаги халқаро тажриба, шунингдек, бошқа долзарб масалалар тўғрисида фикр алмашилди. Жиноят процесси иштирокчилари ҳуқуқларининг суд томонидан ҳимоя қилинишини самарали таъминлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш ва жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш бўйича бир қатор таклифлар билдирилди.

Давра суҳбати якунлари бўйича тегишли тавсиялар қабул қилинди.

***Ўз мухбиримиз***

*Iftixor*

# Халқимизнинг обод ва фаровон турмуши

## уни таъминлашда тиббиёт тизимидаги ислоҳотлар ҳам муҳим ўрин тутмоқда

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Зотан, тиббиётга доир кенг қамровли ҳуқуқий механизмнинг амалга татбиқ этилгани соҳанинг изчил ривожига кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

Айтиш жоизки, аҳолининг турмуш фаровонлигини изчиллик билан ошириб бориш ва тиббий хизмат кўрсатиш сифатини юксалтириш самараси ўлароқ мамлакатимизда аҳолининг ўртача умр кечириши 65 ёшдан 72 ёшга узайди. Умумий ўлим кўрсаткичи эса, мустақиллик йилларида 20 фоизга камайди. Гўдаклар ўлими эса, янги туғилган ҳар 1000 нафар чақалоққа нисбатан 23 тадан 13 тага камайди.

Бинобарин, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилган "Оналар ва болалар скрининги", "Соғлом авлод", "Она ва бола", "Аёллар ва ўсиб келаётган авлодлар соғлиғини сақлаш бўйича қўшимча тадбирлар тўғрисида"ги умуммиллий дастурларда оналар ва болаларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш хизматини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Бу борада Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги "Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори норматив-ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Мазкур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларининг амалда жорий этилиши натижасида Она ва бола скрининг марказлари ташкил этилди. Замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган ушбу марказларда ирсий касалликларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида фертиль (туғуруқ) ёшидаги аёлларни тиббий кўрикдан ўтказиш ишлари кенг кўламда йўлга қўйилди. Туғма нуқсонли ва ирсий касаллиги бор болалар туғилишининг олдини олиш мақсадида оналар ва болаларда скрининг ўтказиш тизими ташкил этилди.

Бугунги кунда юртимиздаги қай бир даволаш муассасасига назар ташламанг, биноларнинг жаҳон андозаларига тўла мос тарзда бунёд этилгани ва энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлангани киши эътиборини тортади. Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда сифат жиҳатидан янги, энг юксак талабларга жавоб берадиган бирламчи тиббиёт, республика ҳамда вилоятлар шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказларини ўз ичига олган тиббий тизимнинг мукаммал тармоғи яратилди. Табиийки, бу борада давлатимиз раҳбарининг 1998 йил ноябрь ойидаги Фармони асосида Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида тиббиёт соҳасида илғор шакл ва услублар амалиётга жорий этилди. Истиқлолга қадар амалда бўлган беш поғонали, кўп харажат талаб этадиган, самарасиз тизим ўрнига бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ва замонавий тизими — қишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари ташкил этилди. Вилоят марказларида эса, ихтисослашган тиббиёт муассасалари изчил фаолият кўрсатмоқда.



Соҳада эришилган улкан муваффақиятлар хусусида сўз борар экан, шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази фаолиятига алоҳида тўхталиш даркор.

Айтиш керакки, бу тизим аҳолига кафолатланган, сифатли тиббий хизмат кўрсатмоқда. Бу борада юқори малакали, ихтисослашган шифокорларнинг фидокорона меҳнатлари алоҳида эҳтиромга лойиқ.

— 2011 йилда саёҳат қилиш учун гўзал юртингизга келгандим, — дейди Исроилнинг Тель-Авив шаҳрида истиқомат қилувчи Дора Бенямин. — Кутилмаганда соғлиғим ёмонлашиб, ҳушимни йўқотдим. Меҳмонхона ходимлари мени оғир аҳволда Республика Нейрохирургия марказига олиб келишди. Миямда ўсимта борлиги аниқланиб, ўта мураккаб жарроҳлик амалиётини бошдан ўтказдим. Соғлигим тикланиб, ўз юртимга қайтгач, энг малакали шифокорлар кўригидан ўтдим. Улар Ўзбекистондаги юксак малакали нейрохирурглар маҳоратига тан беришди...

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда нафақат нейрохирургия, айни чоғда кардиохирургия, микрохирургия, кўкрак соҳаси хирургияси сингари ғоятда мураккаб жарроҳлик амалиётларини ўтказиш кенг миқёсда йўлга қўйилди.

Айтиш керакки, давлатимиз раҳбарининг "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Фармони доирасида хирургия, урология, кўз микрохирургияси, кардиология сингари йўналишларда 10 та ихтисослашган марказ ташкил этилиб, энг замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлангани ҳам бу борадаги ишлар кўлами нечоғлик катта эканини кўрсатади.

Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик Марказида юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш имконини берадиган кардиожарроҳлик бўлими юксак технологияларга асосланган тиббиёт ускуналари билан жиҳозланди. Бундай тиббиёт муассасаларининг бунёд этилгани халқимизга ҳар жиҳатдан қулайлик яратди. Эндиликда турли хорижий давлатларга катта маблағ сарфлаб, шифо излаб боришнинг ҳожати йўқ. Юртимизда ана шундай даволаш муассасаларида фаолият юритаётган малакали шифокорлар энг замонавий усуллар ёрдамида беморларга дунё талабларидан сира қолишмайдиган даражада тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Сир эмаски, жаҳонда иқтисодий инқироз ҳамон давом этмоқда. Шундай мураккаб бир вазиятда мамлакатимизда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, соғлиқни сақлаш тизимининг моддий-техник базасини ривожлантириш, хусусан, замонавий, жаҳон андозаларига тўла мос келадиган даволаш муассасаларини барпо этиш ва жиҳозлаш мақсадида ажратилаётган сармоялар йилдан-йилга ортиб бораётгани қувонарлидир. Масалан, 2009 йилда шу йўналишга Инвестиция дастури доирасида 9,3 миллиард сўм, 2010 йилда эса 79,1 миллиард сўм ажратилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилда 136,0 миллиард сўмни, 2012 йилда эса 256 миллиард сўмни ташкил этди.

2012 йилда республикамиздаги 110 та даволаш муассасасида 241,7 миллиард сўмлик қурилиш ва таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Республика ихтисослаштирилган хирургия Марказининг Кардиохирургия мажмуаси, Сурхондарё вилоятида кўп тармоқли тиббиёт маркази, Булунғур тумани кўп тармоқли марказий поликлиникаси ва туғуруқ бўлими, Сайҳунобод туманида кўп тармоқли марказий поликлиника, Олтинкўл туманида туғуруқ мажмуаси фойдаланишга топширилди. Айни чоғда бу тиббиёт муассасаларида беморларга намунали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Айтиш жоизки, 2013 йилга мўлжалланган режалар янада улкан. Жорий йилда жами 143 та иншоотда қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Ушбу мақсадлар учун 300,3 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши режалаштирилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган изчил ислоҳотлар кўлами йилдан-йилга кенгайиб бораверади. Зеро, бу халқимизга ғамхўрлик кўрсатиш, турмушимиз ободлиги ва фаровонлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши эканининг яққол ифодасидир.

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

*Fuqarolik qonunchiligi*



# Иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Зеро, **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги қонуннинг 18-моддасига кўра, тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний қарорлари, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектлари тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилганлиги юзасидан давлат органлари ва бошқа органларнинг қарори, уларнинг мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилганда давлат божи тўлашдан озод этилади.

Тадбиркорлик субъектлари ўз ишчанлик обрўсига путур етказадиган маълумотларга раддия берилишини суд орқали талаб қилишга ҳам ҳақли. Агар тадбиркорлик субъектининг ишчанлик обрўсига путур етказадиган маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, бу маълумотларга раддия айни шу оммавий ахборот воситаларида берилиши лозим. Агар бундай маълумотлар ташкилотдан олинган ҳужжатда мавжуд бўлса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак. Бошқа ҳолларда раддия бериш тартиби суд томонидан белгиланади.

Тадбиркорлик субъекти бундай ҳолатда етказилган зарарнинг ўрни қопланишини ва маънавий зарар учун товон тўланишини талаб қилиши ҳам мумкин. Етказилган зарар уни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда, шу жумладан, бой берилган фойда қўшилган ҳолда қопланиши керак.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти суди томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар ижроси билан боғлиқ фуқаролик ишлари таҳлил қилинганида айрим мансабдор шахслар томонидан қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, "Давлатботир-файз" фермер хўжалиги судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ўз мулкини қайтариб олиб бериш ва етказилган моддий зарарни ундиришда амалий ёрдам кўрсатишни сўраган.

Маълум бўлишича, Акбаробод қишлоғида жойлашган дала шийпони ва иншоотлар, бирор-бир ҳуқуқий ҳужжат бўлмаса-да, жавобгарлар томонидан қонунсиз эгаллаб олинган. Ваҳоланки, амалдаги қонун ҳужжатларига асосан тадбиркорлик субъектларининг мулки дахлсиз ва улар қонун билан муҳофаза қилинади. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатни амалга оширишга ҳақли. Тадбиркордан мулкини олиб қўйишга йўл қўйилмайди. Шу боис суднинг қарори билан фермернинг ҳуқуқи тикланиб, мулки ўзига қайтарилди.

Яна бир мисол. Даъвогар "Замин-Диёр" хусусий корхонаси жавобгар К.Ўлмасовга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, ер участкасидан фойдаланиш тартибини белгилаб беришни сўраган. Фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро суди Андижон вилояти ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси томонидан берилган хулоса ва схема ҳамда ишда тўпланган далилларга асосланиб, даъво аризасини қаноатлантиришни лозим топган.

Деҳқон хўжалигининг ер участкасини олиб қўйишга қонунда назарда тутилган ҳолларда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шунга тенг бошқа ер участкаси берилиб, бузиб ташланаётган бинолар ва иншоотлар қиймати қопланганидан ёки бошқа жойга кўчирилганидан ёхуд бошқа бино ва иншоотлар қуриб берилганидан кейингина йўл қўйилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини суд тартибида ҳимоя қилиш нафақат уларнинг манфаатларига, айни чоғда мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига ҳам хизмат қилмоқда.

**Зокир ХУДОЙҚУЛОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти судининг раиси*

*Qonun ko`magi*

# Қулай ишбилармонлик муҳити

## кичик бизнес ривожини таъминламоқда

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Фармонга мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган аниқ меъёр ва чора-тадбирлар жорий қилинди. Ушбу Фармон ижросини таъминлаш, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2012 йил давомида назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний текшириш ўтказиш, текшириш тартибини бузиш билан бир қаторда, банк соҳасида маъмурий жавобгарликка тортишда бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.



Мазкур ҳолатларни бартараф этиш юзасидан қўлланилган ҳуқуқий таъсир чораларига асосан 4 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган лавозимидан озод этилди ҳамда 25 нафар мансабдор шахс маъмурий жавобгарликка, 211 нафари эса, интизомий жавобгарликка тортилди. Масалан, "Микрокредитбанк"нинг Мингбулоқ тумани филиалида ўтказилган ўрганишда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан киритилган тақдимномага асосан, ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан ёндашиб, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган Т.Умаралиев ва У.Абдураҳимовлар вазифасидан озод этилди.

Шунингдек, тадбиркорлар манфаатини кўзлаб судларга 91 та даъво аризаси киритилди. Жумладан, Наманган шаҳрида фаолият кўрсатаётган масъулияти чекланган жамияти раҳбари Н.Лутфуллаевнинг Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани йўл хўжалиги таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси томонидан шартнома шартлари бажарилмаётгани юзасидан ёзган аризаси ўрганиб чиқилди. Шундан сўнг масъулияти чекланган жамият фойдасига йўл хўжалиги таъмирлаш-фойдаланиш корхонасидан 22,8 миллион сўм маблағни ундириш тўғрисида Фарғона вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Натижада жамият фойдасига асосий қарз билан бирга 2,2 миллион сўм пеня ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Айни чоғда қонун ва қонуности ҳужжатлари билан берилаётган имкониятлардан самарали фойдалана олмаслик натижасида ўз фаолиятини тўхтатган 116 нафар тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қайта тиклашга амалий ёрдам кўрсатилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, тадбиркорлик фаолиятининг либераллашувига, бир қатор имтиёзларни тақдим этишга, бизнес ишларига маъмурий ва бюрократик тўсиқларни чеклашга йўналтирилган қонун ҳужжатлари мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга кенг йўл очмоқда. Бу ўз навбатида, макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**Алишер ЭРАНОВ,**
*Наманган вилоят адлия бошқармаси масъул ходими*

*Qilmish-qidirmish*

# Инсон ҳуқуқлари —

**Демократик тараққиёт йўлини танлаган, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлган мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш давлат қурилишининг, ички ва ташқи сиёсатнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади.**

Бу, энг аввало, бош Қомусимизда ўз ифодасини топган бўлиб, унда инсон ҳуқуқларига, демократия ва ижтимоий адолат ғояларига содиқлик тўлиқ кафолатланган. Шунингдек, Конституциямизнинг 13-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Мамлакатимизда 2008 йил 17 апрелда **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги қонуннинг қабул қилингани ҳам инсон ҳуқуқларини муҳофазалашга қаратилган. Мазкур қонун меъёрларини амалда самарали татбиқ этиш мақсадида Президентимизнинг 2008 йил 8 июлда **"Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди. Шу асосда соҳада амалга оширилиши зарур бўлган йўл-йўриқлар белгиланиши билан бир қаторда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси ташкил этилди.

Бу чора-тадбирлар мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, ундан жабрланганларни ҳимоялаш механизмини мустаҳкамлади. Боиси бугунги кунда жаҳонда миграция жараёнлари фаоллашгани натижасида айрим трансмиллий жиноятлар, хусусан, одам савдосининг ортгани ҳам сир эмас. Ҳар йили дунё бўйича тахминан 2,7 миллион киши ушбу жиноят қурбонига айланаётгани бунинг исботидир.

Маълумки, одам савдоси — мажбурий меҳнат, қуллик, фоҳишабозлик билан шуғулланишга мажбур қилиш, ҳарбий тўқнашувларда фойдаланиш каби қилмишлар кўринишида намоён бўлиши мумкин. Халқаро экспертларнинг фикрича, одам савдоси наркотик ва қурол-яроғ савдосидан ҳам даромадлироқ жиноий соҳага айланиб бормоқда.

Айтиш керакки, ўз манфаати йўлида ҳар қандай чиркин ишга қўл уришдан тап тортмайдиган айрим шахслар томонидан мамлакатимиз фуқароларини ҳам алдов йўллари билан хорижга олиб кетиб, одам савдосининг қурбонига айлантираётгани аччиқ ҳақиқат.

Шу сабабли одам савдоси билан боғлиқ жиноятларнинг салбий оқибатлари чуқур англанган ҳолда, ўтган йиллар мобайнида республикамизда унинг олдини олиш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

*Yangi qonun mohiyati*

# Қонун ижодкорлиги жараёни

## бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари изчиллик билан амалга оширилаётган бир пайтда қонун ижодкорлиги жараёнининг самарадорлигини янада юқори даражага кўтаришни тақозо этмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш зарурати қуйидаги омилларга асосланиши қайд этилган. Булар, биринчидан, ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайганлиги ва бирмунча мураккаблашганлиги; иккинчидан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганлиги ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошганлигидир.

Айтиш керакки, Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 1 ноябрда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2012 йил 5 декабрда маъқулланган ҳамда 2012 йил 25 декабрь куни матбуотда эълон қилиниб, кучга кирган янги таҳрирдаги **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги қонун юқоридаги талабларни ўзида тўлиқ қамраб олган муҳим ҳуқуқий ҳужжат саналади. Мазкур қонун муқаддам амалда бўлган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонундан фарқли ўлароқ, нафақат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси, турлари ва уларга қўйиладиган асосий талабларни белгилайди, балки норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзаро нисбатини аниқлаб бериш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш тартибига қўйиладиган асосий талабларни белгилаш, шунингдек, уларнинг ижроси ташкил этилишини таъминлаш каби муҳим вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Маълумки, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик қонун ижодкорлиги жараёнидаги муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Айниқса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амал қилиши, уни ўзгартириш, қўшимчалар киритиш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш тартиб-таомилларининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши қонун ижодкорлиги жараёнининг самарадорлигини оширишга, ушбу жараёнда қонунийликни таъминлашга хизмат қилади. Шу мақсадда янги таҳрирдаги **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги қонунда вазирликлар, давлат қўмиталари ёки идоралари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан ҳуқуқий ворислик деб номланувчи алоҳида модда киритилди. Унга кўра, вазирлик, давлат қўмитаси ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи берилган идора қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқий ворисга ўз ваколати доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқи билан бирга илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари ҳам ўтади. Шунингдек, агар вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора тугатилган ёхуд у тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш ҳуқуқини ҳуқуқий ворисига бермасдан қайта ташкил этилган тақдирда, илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш, қўшимчалар киритиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш ваколатлари юқори турувчи ёки бошқа ваколатли органга ўтиши ҳам назарда тутилди.

Ушбу қонуннинг яна бир муҳим жиҳатларидан бири — унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш масаласига алоҳида боб ажратилганидир. Мазкур бобда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш тартиби, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашни ташкил этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда қонун ҳужжатларининг ҳолатини, қўлланилиш амалиётини, жамоатчилик фикрини ва халқаро тажрибани ўрганиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг экспертизаси, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг ҳуқуқий экспертизаси, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга киритиш каби масалалар ўз ифодасини топган.

Шу ўринда хорижий давлатлар қонунчилик тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, аксарият давлатларнинг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини режалаштиришни назарда тутувчи меъёрлар мавжудлигини кўриш мумкин. Хусусан, Беларусь Республикаси "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунининг "Қонун ижодкорлиги фаолиятини режалаштириш" деб номланган 10-бобида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш режаларини ишлаб чиқиш тартиби, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш режалари ва давлат дастурларининг амалга оширилиши юзасидан назорат қилиш масалалари ўз ифодасини топган. Шунингдек, Озарбойжон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунида ҳам "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни режалаштириш" деб номланган алоҳида боб мавжуд бўлиб, унда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тасдиқлаш учун тайёрлаш режалари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш бўйича таклифларни инобатга олиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашнинг келажакдаги режаларига оид қоидалар баён этилган.

Юқорида қайд этилган хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаларидан фарқли ўлароқ, мамлакатимизда янги таҳрирда қабул қилинган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга киритиш жараёнида муҳим талаблар белгиланганини алоҳида қайд этиш жоиз. Масалан, мазкур қонуннинг 23-моддасига кўра, тайёрланган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга тушунтириш хати билан киритилиши, ишлаб чиқувчи қонун лойиҳасини киритаётганда халқаро ҳужжатларнинг ва чет эл мамлакатлари қонун ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг тегишли қоидаларини, тегишли халқаро тажрибани Ўзбекистон Республикаси шароитида қўллаш мақбуллиги тўғрисидаги асосли таклифларни кетма-кетлик тартибида кўрсатган ҳолда таҳлилий-қиёсий жадвалларни тайёрлаши шартлиги каби муҳим талаблар назарда тутилган. Бундай талабларнинг қонунда акс эттирилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг янада асосли бўлиши ва сифат даражасини янада ошишини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу қонуннинг 23-моддасида халқаро ҳужжатлар ва хорижий давлатлар қонун ҳужжатларининг принциплари, қоидалари ҳамда таърифларининг тайёрланган батафсил таҳлилини ўз ичига олган қиёсий жадвалсиз киритилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилмаслиги каби норманинг белгиланиши эса, қонун ташаббуси ҳуқуқи субъектлари зиммасига қонун лойиҳаларининг сифат даражасини ошириш борасида муҳим масъулиятни юклайди. Бинобарин, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда халқаро тажрибани ўрганишга алоҳида эътибор берилиши талаб этиладиган масалалардан ҳисобланади. Шу ўринда "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги қонуннинг 15-моддасида ҳам қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принцип ва нормалари ҳисобга олиниши, шунингдек, қонун билан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибаси ўрганилиши назарда тутилган.

Янги таҳрирдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш масаласига махсус боб ажратилганлиги ҳам алоҳида эътиборга молик. Жумладан, қонунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этувчи ва таъминловчи органлар, Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ижросини ташкил этиш ва таъминлаш борасидаги ваколатлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг мониторинги ва назоратига бағишланган нормалар ўз ифодасини топди. Дарҳақиқат, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси ва уларни аҳолига етказиш, уларнинг ижро этилиши ва амалга оширилиши бўйича назорат ва текширувни ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро этилмаслиги (лозим даражада ижро этилмаслиги) бўйича жавобгарликни назарда тутувчи нормаларнинг киритилиши мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва саводхонлигини янада оширишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, қонун — бу ҳуқуқий демократик давлатнинг пойдевори бўлиб, унда демократия ва ҳуқуқий давлат тамойиллари ўзаро уйғунлашади.

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида таъкидланганидек, **мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда, эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги ва янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор.**

Дарҳақиқат, давлат ва жамият ҳаётида муҳим ўрин тутадиган янги таҳрирдаги **"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"**ги қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда қонунийликни тўлиқ таъминлаш мақсадида янги ва янада самарали механизмларни ривожлантиришга, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда самарали татбиқ этилишига ҳамда унинг мавжуд қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

**Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори*

*Mezon*

# Аждодлар мероси — муқаддас неъмат



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Таъкидлаш керакки, истиқлол йилларида юртимизда ҳар бир соҳада туб янгиланиш ва ўзгаришлар амалга оширилди. Айниқса, тарихий ва маданий меросни авайлаб-асрашга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда давлатимиз раҳбарининг "Ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш, уларни Ўзбекистонга қайтариш маънавият дастуримизнинг муҳим бўлагини ташкил этади", деган фикрлари муҳим дастуриламал бўлди.

Айтиш керакки, амалдаги қонунчилигимизда фуқароларнинг маънавий ва маданий меросимизни асраб-авайлаш борасидаги бурчлари ҳам ўзининг аниқ ифодасини топган. Жумладан, Конституциямизнинг XI-боби фуқароларнинг бурчларига бағишланган бўлиб, унинг 49-моддасида эътироф этилганидек, **фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир.**

Демак, асрлар давомида аждодларимиз томонидан яратилган бебаҳо меросимизни асраб-авайлаш ва келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг нафақат фуқаролик, балки инсонийлик бурчимиздир. Зотан, заминимизда қад ростлаган тарихий обидалар, аждодларимиз томонидан яратилган бадиий, мусиқий ижод намуналари бутун жаҳонга маълум ва машҳур.

Кези келганда шуни қайд этиш жоизки, собиқ шўро даврида аждодларимиз яратган нодир дурдоналар бутунлай эътибордан четда қолгани, аксарияти ташландиқ ва хароба ҳолга келганини ёдга олсак, бугунги кунда қилинаётган амалий ишларнинг аҳамияти яққол сезилади. Дарҳақиқат, Ватанимиз мустақиллиги ўзликни англаш, халқимизнинг барча бойликларини ўзига қайтариш имконини берди. Тикланаётган қадриятлар, қаддини қайта ростлаётган обидалар бунга ёрқин мисолдир. Шу билан бирга буюк аждодларимизнинг пок номлари қайта тикланди. Қадимий Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарлари ЮНЕСКОнинг "Жаҳон маданий мероси дурдоналари" рўйхатига киритилди.

Бундан ташқари мустақиллик йилларида тарихий ва маданий меросимизни ҳуқуқий муҳофаза қилиш бўйича бир қатор ишлар олиб борилди. Жумладан, 1998 йил 29 августда **"Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида"**, 2001 йил 30 августда **"Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"**ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунлар маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш каби эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 64-моддасида тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик ўз ифодасини топган бўлса, Жиноят кодексининг 132-моддасида эса, тарих ёки маданият ёдгорликларини нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказганлик учун жиноий жавобгарлик чораси белгиланди. Мазкур модда уч қисмдан иборат бўлиб, унинг 1-қисмида давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини қасддан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, айбланувчини энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазолаш, 2-қисмида давлат муҳофазасига олинган тарих ёки маданият ёдгорликларини қасддан нобуд қилиш, бузиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бароваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазолаш, 3-қисмида эса, етказилган моддий зарар уч карра миқдорида қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони қўлламаслик кўзда тутилди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тарихий ва маданий меросимизни қайта тиклаб, келгуси авлодларга дахлсиз ҳолда етказиш доимий долзарб аҳамиятга молик масаладир. Зеро, миллий қадриятлар инсон камолотида муҳим ўрин тутиб, ҳеч қачон ўз қадр-қимматини йўқотмайди.

**Яшин БОЛТАЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Хонқа тумани судининг раиси*

*Insonparvarlik tamoyillari*

# Халқимиз қадрлаган қадриятлар

## вояга етмаганлар ҳимоясини таъминлашга самарали хизмат қилмоқда



**Мамлакатимизда мустақиллик йилларида вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарлик содир этган ёки билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолган айрим ёшларнинг ҳаётда яна тўғри йўл топиб олишига кўмаклашиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.**

Энг муҳими, вояга етмаганлар ҳуқуқини муҳофаза қилишнинг мустаҳкам қонуний асослари яратилди. Жумладан, Жиноят кодексида вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмаслиги белгиланди.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тарбия колонияларида ўталиши белгилаб қўйилгани, вояга етмаган шахсга жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятининг юклатилиши, вояга етмаган шахсни махсус ўқув-тарбия муассасасига жойлаштирилиши сингари қонундаги қатор мезонлар ҳаётда билиб-билмай жиноий қилмишга қўл урган ёшлар ўз хатосидан тегишли хулоса чиқариб, ҳаётда яна тўғри йўл топиб олишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу борадаги суд амалиётига тўхталадиган бўлсак, 2011 йилда вилоят, туман ва шаҳар судларида 42 нафар вояга етмаган шахсга нисбатан жиноят иши мазмунан кўрилган бўлса, бу 2012 йилда 34 тани ташкил этган. Озодликдан маҳрум қилиш жазоси 2011 йилда 8 нафар шахсга нисбатан қўлланилган бўлса, 2012 йилда эса, бу кўрсаткич 5 тани ташкил этди. Вояга етмаган шахслар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг йилдан-йилга камайиб бораётгани вилоятда жиноятчилик ва унинг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари самарали тарзда олиб борилаётгани, мактаб, коллеж ва маҳаллалар, жамоат ташкилотлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилгани билан изоҳланади.

Шуни ҳам айтиш керакки, қонунчилигимизда кечиримлилик, пушаймон бўлганнинг узрини қабул қилиш, йиқилганни суяш ва унга тўғри йўл кўрсатиш сингари халқимиз табиатига хос бўлган инсонпарварлик, бағрикенглик тамойиллари сингдирилган. Бу муҳим саналар муносабати билан қабул қилинаётган амнистия актларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Шунингдек, бу борада ярашув институти самарали қўлланилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Абдулла Бойназаров (исм-шарифлар ўзгартирилди) ўтган йил 13 ноябрь куни соат ўн тўртларда Ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида Кармана тумани "Нарпай" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи С.Йўлдошевнинг ҳовлиси яқинидаги майдонда боғлиқ турган нархи 1,5 миллион сўмлик бир бош қора молни яширин равишда ўғирлаб кетади. Бу билан А.Бойназаров Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланади.

(Давоми тўртинчи бетда)

# олий қадрият

## унга дахл қилишга ҳеч ким ҳақли эмас

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 ноябрдаги қарорига асосан фуқароларни чет элларга юбориш ва уларнинг меҳнат фаолиятини ташкил этиш Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги зиммасига юклатилди.

Афсуски, ҳаётда кўрилаётган бундай чора-тадбирларга қарамай ушбу жиноий қилмишга қўл ураётган кимсалар учраб туради.

Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз тумани судида одам савдоси жиноятига қўл урган ака-укаларга доир жиноят ишини мисол тариқасида келтиришимиз мумкин.

Айтиш керакки, М.Нодиров 2011 йил 13 январь куни укаси Н.Нодиров билан олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ шахсларни хорижга ишга олиб бориб, ишлатишни режалаштиради. Улар шу мақсадда Шаҳрисабз туманининг Сарой қишлоғида яшовчи О.Абдиев, Ш.Тўқсонов ва И.Абдиевларга чет элда қурилишда иш борлиги ва катта иш ҳақи тўланишини айтишади.

Фирибгарликнинг ҳадисини олган, ўз манфаати йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган ака-уканинг ўзимиз олиб бориб ишга жойлаштирамиз, бошқа муаммоларни ҳам ўзимиз ҳал этамиз, деган ёлғон гапларига ишонган фуқаролар йўлга отланишади.

Уларнинг фуқаролик паспортини рўйхатга қўйишни баҳона қилиб олиб қўйган ака-ука ҳужатларни ўзларида сақлайди. Вақт ўтиб, ҳеч қандай пулдан дарак бўлавермайди. Оғир қурилиш ишларидан чарчаган йигитлар ҳақини талаб қилганда, уларни турли гаплар билан қўрқитиб мажбурлаш чораларини ҳам қўллашади. Охир-оқибат ака-ука меҳнат қилган жабрланувчиларнинг ишончини суиистеъмол қилиб, жами 89 миллион сўмдан ортиқ жуда кўп миқдордаги иш ҳақларини бермасдан қўлга киритган.

Қилмиш-қидирмиш, деганларидек, жабрланувчиларнинг аризасига кўра, ака-укага нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз туман судининг ҳукмига кўра, М.Нодиров ва Н.Нодиров Жиноят кодексининг 135-моддаси 2-қисмининг "а", "б", "е", "з", "и" бандлари билан айбли деб топилиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари доимий ҳимояда бўлиб, уларга дахл қилганлар юқоридаги каби қонуний жазосини олади. Аммо шуни ҳам унутмаслик керакки, ҳар бир инсон ўз ҳуқуқларини яхши билса, ҳеч қачон алданиб қолмайди.

**Қаҳрамон ЎЛЖАЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди раисининг ўринбосари*

*Muloqot*

# Газетхон савол беради...

***— Айтинг-чи, васиятномани расмийлаштиришда гувоҳлар қатнашиши мумкинми?***

***Комилжон ХУДОЙБЕРГАНОВ,***
*Гурлан тумани*

— Ҳа, васият қилувчининг илтимосига биноан васиятномани тасдиқлашда гувоҳлар иштирок этиши мумкин. Бундай ҳолатда уларнинг қатнашганлиги ва уларга мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмуни, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмаслиги тушунтирилганлиги васиятномада қайд этилади.

***— Айтинг-чи, кимлар, васиятнома мазмунидан қатъий назар, меросдан мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга?***

***Давронбек ҚЎЗИБОЕВ,***
*Хазорасп тумани*

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш жоизки, мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга қобилиятсиз болалари, шу жумладан, фарзандликка олган болалари, шунингдек, меҳнатга қобилиятсиз эри (хотини) ва ота-онаси, яъни мерос очилган кунга келиб 55 ёшга кирган аёллар, 60 ёшга кирган эркаклар, шу жумладан, уни фарзандликка олганлар, васиятноманинг мазмунидан қатъий назар, қонун бўйича ворис бўлганларида улардан ҳар бирига тегиши лозим бўлган улушнинг камида ярмини (мажбурий улуш) мерос қилиб оладилар.

**Саволларга Гурлан тумани 1-сон давлат нотариал идорасининг нотариуси Шокир Мадаминов жавоб берди.**

*E`tirof*

# Улуғ мутафаккирнинг барҳаёт мероси



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Улуғ шоир ва давлат арбоби Бобур ҳаётида оғир ва қувончли кунлар кўп бўлди. Шоир ҳар қандай шароитда ҳам иймон юксаклигига, руҳиятининг баркамоллигига, қалбидаги дилбар ҳис-туйғуларига доғ туширмай асради. Унинг ана шундай бой ички дунёси шеърларида гўзал ташбиҳлар орқали, юксак бадиий шаклларда ўз ифодасини топди.

Шоир:

***Ҳар вақтки кўрғайсен***
***менинг сўзимни,***
***Сўзимни ўқиб***
***англағайсен ўзумни,***

деганида келажак авлодларни ўз асарларида талқин этилган бетакрор ифодаларни теран англашга ва инсониятнинг эзгу орзу-умидларининг муносиб давомчилари бўлишга ундаган бўлса, ажаб эмас.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб миллий ўзлигимизни англаш, бебаҳо меросимизни тиклаш, буюк аллома ва мутафаккирларимизнинг ижодий меросини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу кунларда улуғ шоир ва саркарда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 530 йиллиги кенг нишонланаётгани ҳам буни яққол исботлаб турибди.

Бобур номидаги халқаро жамғарма аллома ҳаёти ва ижодини мукаммал ўрганишда бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Жамғарма ташаббуси билан Бобур ва бобурийларнинг бебаҳо маданий мероси, уларга оид қимматли манбаларни ўрганиш, бобурийлар сулоласи тарихи ва маданияти ҳақидаги илмий ва бадиий асарларни юртимизга олиб келиш бўйича салмоқли ишлар бажарилди.

Мазкур жамғарма мутахассисларининг маълумотига кўра, хорижий мамлакатларга уюштирилган ўндан ортиқ илмий экспедициялар натижасида жамғарма ҳузуридаги "Бобур ва жаҳон маданияти" музейида 300 га яқин нодир қўлёзма асарларни тўплашга эришилди. Улар орасида "Бобурнома"нинг испан тилидаги таржимаси, бу мумтоз асарнинг Ҳайдаробод нусхасининг фотофаксимал нашри алоҳида ўрин эгаллайди.

Бобур ўз даврининг тарихчиси, этнографи, ўлкашуноси, биологи, географ ва диншуноси сифатида ҳам маълум ва машҳурдир. У давлатчиликда вақт меъёрларини қайта ишлаб чиққан, почта тизимига қулай тарзда тартиб берган ва бошқа жамият учун фойдали кўплабислоҳотларни ишлаб чиққан буюк шахсдир.

Бобурнинг ана шундай сермазмун ҳаёти ва ижодини ўрганиш тарихи узоқ замонларга бориб тақалишини, бу йўналишдаги илмий изланишлар дунёнинг турли мамлакатлари мутахассислари диққат-эътиборини ўзига жалб этиб келганини таъкидлаш жоиздир.

Мутахассисларнинг маълумотига кўра, бундан қарийб уч аср муқаддам, яъни 1697 йилда француз шарқшуноси Барталаме Эрбало Моленли "Шарқ кутубхонаси" қомусида Бобур тўғрисида илк бор француз китобхонларига маълумот берган эди.

1705 йилда эса, "Бобурнома" Европа тилларидан биринчи бўлиб голланд тилига таржима этилди. 1871 йил бобуршунос Паве де Куртейл томонидан француз тилига ўгирилган "Бобурнома" таржимаси илм аҳлига манзур бўлди. Чунки бу таржима асл нусхасидан таржима қилинган ва мукаммаллиги жиҳатидан бошқа манбалардан ажралиб турар эди. Шу боис бу нашр Францияда катта шуҳрат топди ва китобхонларнинг ҳурматини қозонди.

Бобуршуносликни ривожлантиришга инглиз шарқшунослари ҳам катта улуш қўшган. Инглиз олимларининг бу йўналишдаги изланишлари туфайли1826 йилда "Бобурнома"нинг Европадаги биринчи тўлиқ таржимаси дунё юзини кўрди. Инглиз олими Ф.Тэлбот ҳам "Бобурнома"нинг биринчи инглизча таржимаси асосида қисқартирилган нашрини чоп эттирди. Олим мазкур нашрга ёзган сўзбошисида "Бобурнома"нинг аҳамияти ҳақида шундай дейди. "Ҳозирги Ҳиндистонни ўрганмоқчи бўлган одам ишни, энг яхшиси, Бобур хотираларини ўрганишдан бошлагани маъқул".

Тэлбот нашрининг аҳамиятини кўрсатиш учун мазкур фактни келтириш кифоя: ушбу асарни ҳинд тили ва бошқа бир қатор Ҳиндистондаги тилларга таржима қилиш учун "Бобурнома"нинг айнан ушбу нашри танланган.

Бобур меросини ўрганишга бугунги кунда ҳам эътибор ва қизиқиш ортиб бормоқда. Сўнгги йилларда хорижий мамлакатларда бобуршунослик соҳасида амалга оширилган ишлар қаторида "Бобурнома"нинг хитой ва турк тилларида нашр этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Жаҳон маданияти ва цивилизацияси тараққиётига катта ҳисса қўшган бобурийлар сулоласи ҳақида ҳам дунёнинг қатор мамлакатларида турли вақтларда ўнлаб илмий ва бадиий асарлар яратилган. Ана шундай асарларнинг энг сара намуналари билан жамоатчиликни таништириш борасида муаяйин ишлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда Бобурнинг қизи Гулбаданбегим ҳақида инглиз адибаси Румер Годен ёзган "Гулбадан" асарининг ўзбек тилидаги таржимаси ўқувчиларга тақдим этилди.

Қамчибек Кенжанинг "Андижондан Бағдодгача" сафарномаси ҳам бугунги бобуршуносликда муҳим изланишлардан бири ҳисобланади. Жамғарма ташаббуси билан ўзбек олимлари ва рассомларининг ижодий изланишлари самараси ўлароқ, "Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган темурийлар шажараси" тайёрланди. Унда 30 дан ортиқ темурий ҳукмдорнинг сурати, ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар замонавий дизайн асосида талқин этилган. Шунингдек, кейинги йилларда нашрдан чиққан "Бобурнома" учун қисқа изоҳли луғат" китоби ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Бобур Мирзо қаламига мансуб "Мусиқа сирлари", "Ҳарб иши" асарлари, шунингдек, "Бобурнома"нинг йўқолган баъзи қисмлари ҳозирга қадар топилмаган. Уларни ва шу мавзуга доир бошқа ноёб қўлёзмаларни топиш, юртимизга олиб келиш ва ўрганиш Бобур халқаро экспедициясининг муҳим ва долзарб вазифаларидандир.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқимизнинг фахру ифтихоридир. Бу улуғ зотнинг ижоди, ҳаёти ва фаолияти халқимиз, айниқса, ёш авлод учун ҳамиша ибрат мактаби бўлиб қолаверади.

**Ҳасан ҚУДРАТУЛЛАЕВ,**
*филология фанлари доктори, профессор*

*G`aroyib olam*

**Маълумки, бугунги кунда дунё миқёсида олиб қараганда, жиноятчиликни очиш ва тергов қилишда криминалистика фанининг илмий асосланган усул, восита ва методлари ўта муҳим ўрин тутади. Ўз-ўзидан махсус техник воситалар яратилмаган даврларда жиноятларни фош этиш ва жиноятчиларга тегишли жазо бериш қандай тартибда амалга оширилган, деган савол туғилиши табиий.**

# Криминалистикадаги машҳур кашфиётлар



Буни қарангки, ўша кезларда ҳам устомон жиноятчилар жиноят изларини яширишга нечоғлик уринишмасин, закий зотлар ўзларининг ақл кучи, тафаккур қудрати билан уларнинг қилмишини фош этишга муваффақ бўлганлар. Эътиборлиси шундаки, йиллар ўтиши билан бу борадаги тажриба ва изланишлар йиғила бориб, криминалистиканинг фан сифатида шаклланишига замин яратган.

Асрлар мобайнида жиноий қилмишларни фош этиш йўлида олиб борилган изланишлар, таъбир жоиз бўлса, тадқиқот ва тажрибалар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Қуйида ана шундай изланишларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Эрамиздан аввалги, тахминан 250 йилда қадимги юнон табиби Эрасистрат ёлғон гапираётган кишининг айбини фош этишнинг ғалати усулини ўйлаб топган. Яъни у айбини яшириш учун ёлғон гапираётган кишининг қон томири тез уради, деган тўхтамга келган. Кейинчалик Эрасистратнинг айни хулосаси ҳақиқатга жуда яқин экани кўп бор исботланди. Муҳими, бу фикр "ёлғонни аниқлаш детектори"нинг кашф этилишида муҳим омил бўлди.

Шарқ ҳукмдорларидан бири Маҳмуд Ғазнавий 1008 йилда ашаддий бир жиноятчига қидирув эълон қиларкан, мусаввирларга бу кимсанинг суратини чиздириб, уни мамлакатнинг барча шаҳарлари дарвозаларига илиб қўйиш тўғрисида буйруқ беради. Ўшанда Маҳмуд Ғазнавийга бу тадбири нечоғлик ёрдам бергани номаълум. Аммо у тутган йўл кейинчалик жиноятларни ўз вақтида фош этиш, жиноят содир этган кимсани қўлга олишда жамоатчиликни жалб этишнинг энг мақбул усули сифатида эътироф этилди.

1248 йилда хитойлик изқуварлар учун махсус қўлланма чоп этилган бўлиб, унда куч ишлатиш йўли билан бўғиш ёки чўктириш орқали амалга оширилган ўлим ҳолатларини аниқлашга доир йўл-йўриқлар, кўрсатмалар батафсил баён этилган эди. 1302 йилда Италиянинг Болонья шаҳрида Бартололио да Вариньяна исмли шифокор айни шу қўлланмадаги тавсиялардан келиб чиқиб, Европада биринчи марта жиноят тафсилотларини аниқлаш мақсадида жасадни очиб кўради.

1595 йилда Парижда маслаҳатчи сифатида жалб этилган ҳуснихат усталари тарихда биринчи марта жиноят ишига тегишли ҳужжатларнинг графологик экспертизасини амалга оширишади.

Эндиликда суд хатшунослик экспертизаси жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида илғор технологиялар ёрдамида ўтказиб келинмоқда.

1838 йилда Германиянинг Франкфурт шаҳрида ашёвий далилларни жамлаш ва криминалистик услублар бўйича дастлабки қўлланма чоп этилади. Людвиг фон Ягеманн деган ҳуқуқшунос муаллифлигида нашр этилган ушбу қўлланмада жиноят содир этилган жойни кўздан кечириш ва терговга жалб этилганлар билан иш олиб боришнинг анча мукаммал усуллари баён этилган эди. Ҳодиса жойини кўздан кечириш, тинтув сингари тергов ҳаракатларини амалиётга жорий этишга айнан шу қўлланма асос бўлгани аниқ.

1840 йилда Матье Орфила деган шахс тарихда биринчи марта заҳарланган кимсанинг ошқозонидан олинган хўракни кимёвий таҳлил қилиш натижаларига асосланиб, жиноятни фош этишга муяссар бўлди. Демак, бу тажриба орқали суд-кимёвий экспертизасига асос солинган.

1854 йилда биринчи марта ҳужжатлардаги маълумотларни ўзгартириш, тузатиш жинояти фотография ёрдамида ошкор этилди. Ўз навбатида, суд-фотография экспертизасининг илк тарихи айни шу тадқиқот билан чамбарчас боғлиқ.

1883 йилда Парижда Альфонс Бертильон деган шахс атропометрия (одам танаси ва аъзоларини ўлчашга асосланган текшириш усули) натижаларига таяниб ўзини ўзга ном билан атаган жиноятчини фош этишга эришади. Яъни тарихда илк бор шахс идентификацияси (шахснинг айнан ўзи экани) шу тариқа аниқланадиган бўлди.

1891 йилда эса, Аргентинанинг Буэнос-Айрес шаҳрида Хуан Вучетич деган полиция ходими илк марта жиноятчини бармоқ изларига қараб қўлга туширади. Айнан шу изланиш суд-дактилоскопия экспертизасига илк пойдевор бўлди, дейиш мумкин. Ҳозирда шахсни фарқлашда бармоқ излари билан бир қаторда кўзнинг рангли пардаси ва ДНК таҳлили натижаларига ҳам асосланилади.

**Интернет материаллари асосида Дилфуза РАҲИМБЕКОВА тайёрлади.**

*Insonparvarlik tamoyillari*

# Халқимиз қадрлаган қадриятлар

## вояга етмаганлар ҳимоясини таъминлашга самарали хизмат қилмоқда

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"**ги қарорининг 1-бандида жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар жазодан озод қилиниши, 6-бандида эса, ушбу қарорнинг 1 ва 2-бандида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноят ишлари юзасидан олиб борилаётган барча ишлар тугатилиши назарда тутилган.

Шунга асосан А.Бойназаров судга ўзига нисбатан юритилаётган жиноят ишини мазкур амнистия актига асосан ҳаракатдан тугатишни сўраб, ариза билан мурожаат қилди. Суд А.Бойназаровнинг аризасини қаноатлантириб, унинг айблилик масаласини ҳал қилмасдан туриб, жиноят ишини ҳаракатдан тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди. Суд жабрланувчи С.Йўлдошевга жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни ундириш тўғрисидаги даъво билан фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтирди.

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратадиган бўлсак, Мухлиса Рўзиқулова Ш.Қодированинг уйида юмушларига ёрдамлашиб юрган. У уйда ҳеч ким йўқ эканлигидан фойдаланиб, шкафда илиғлиқ турган Н.Алиеванинг чарм курткаси чўнтагидан 300 АҚШ долларини олиб, воқеа жойидан яширинган.

Суд муҳокамасида гумонланувчи М.Рўзиқулова айбини тан олди. У қилмишидан пушаймон бўлиб, жабрланувчига олган пулини қайтариб берган. Шу боис жабрланувчи Н.Алиева ҳам унга нисбатан даъвоси йўқ эканини билдирди. Судга ариза билан мурожаат қилиб, ушбу жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни сўради. Суд қонун талабларига таяниб, Жиноят кодексининг 169-моддаси 1-қисми билан қўзғатилган М.Рўзиқуловага оид жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан суд мажлиси баённомасини тасдиқлаб, ишни тугатиш ҳақида ажрим чиқарди.

Мухтасар қилиб айтганда, маънан етук, ҳар томонлама баркамол, билимли ва иқтидорли, ватан ва халқ ишига камарбаста ёшлар эртанги кунимизнинг эгаларидир. Халқимиз азал-азалдан қадрлаган қадриятлар қонунларимиз мазмун-моҳиятига айланганки, бу вояга етмаганлар ҳимоясини таъминлашга самарали хизмат қилмоқда.

**Насриддин ДАМИНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти судининг раиси*

*Qilmish-qidirmish*

# Ҳалол яшаш — умр зийнати




**Халқимизда "Синалмаган отнинг сиртидан ўтма" деган ҳикмат бор. Ушбу ҳикмат одамни эҳтиёткор бўлишга, танимаган кимсага ишониб уятдан ер чизиб қолмасликка ундайди. Қуйида шу ҳақда.**

Баҳодир қўшниси Анвар билан ўзаро жанжаллашиб қолади. Жанжал Баҳодирнинг айбсиз Анварни ҳақорат қилиши билан якун топади. Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг қарорига кўра, Б.Қосимовга нисбатан жарима жазоси тайинланади. Бундан ташқари фуқаролик судининг сиртдан чиқарган қарорига асосан Б.Қосимовдан жабрланувчи А.Усмонов фойдасига 200 минг сўм маънавий зарар ундириш белгиланади.

Маълумки, суд қабул қилган ҳужжат ижроси таъминланиши мажбурий. Б.Қосимов маъмурий жарима ва маънавий зарарни ўз вақтида тўлай олмайди. Шу боис ижро ҳужжати суд ижрочилари Жиззах шаҳар бўлимига, аниқроғи, М.Маматовнинг иш юритувига берилади. М.Маматовнинг ёнида ижро ҳужжатлари юзасидан чақирув хатларни тарқатиб, иш ўрганиб юрган Нурали Абдулакимов бор эди. М.Маматов ўзининг норасмий ёрдамчиси Н.Абдулакимовга Б.Қосимовни ижро иши юзасидан бўлимга чақириб келишни тайинлайди.

Нурали Б.Қосимовнинг уйига боради. Унинг отаси Ботир акага ўзини суд ижрочилари шаҳар бўлими ходимиман, деб таништириб, маъмурий жарима ҳамда маънавий зарарни тезроқ тўлаши кераклигини айтади. Эртаси куни Ботир ака суд ижрочилари шаҳар бўлимига келиб, Н.Абдулакимовга учрашади. "Агар 200 минг сўм берсангиз,—дейди Н.Абдулакимов, — маъмурий жарима ва маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ижро ишларини тугатиб бераман".

Ботир ака кутилмаган бу фикрни эшитиб, аввалига ўйланиб қолади. Сўнг пул топса, келишини айтиб, уйига қайтади. Эртаси куни эрталаб, яъни 2012 йил 17 апрел куни соат олтилар чамаси Н.Абдулакимов 200 минг сўмни сўраб, Ботир акага қўнғироқ қилганда пулни тушдан сўнг олиб боришини айтади. Шундан сўнг Б.Қосимов бу ҳақида Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти вилоят бошқармасига хабар беради.

Шу куни соат ўн саккизларда Н.Абдулакимов шаҳарнинг "Оққўрғонлик" маҳалласида Ботир Қосимов билан учрашади. У Ботир акага тегишли "Дамас" русумли машинага чиқиб, 200 минг сўм пулни олиб, тушиб кетаётганда ушланди. Тергов ва судда Н.Абдулакимовнинг фирибгарлик ишидан М.Маматовнинг умуман хабари бўлмаганлиги маълум бўлди.

Қиссадан ҳисса шуки, норасмий ёрдамчининг фирибi аввало, унинг ўзига қимматга тушди. Негаки, судланувчи Н.Абдулакимов Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топилиб, унга нисбатан ҳар ойлик иш ҳақининг йигирма фоизи микдорида давлат даромади фойдасига ушлаб қолган ҳолда бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари тайинланди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ўзгаларга фириб бериш, таъмагирлик сингари иллатлар ҳеч қачон яхшилик келтирмайди. Бундай қинғир ишларга қўл урмаслик, ҳалоллик, виждон амрига бўйсуниб яшаш умр зийнати эканини асло унутмаслик керак.

**Акмал ЎРИНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг суд мажлиси котиби*

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯҲЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-216. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9083.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 21³⁰